



ВАҲИМАДАН ВОЗ
КЕЧИШ
вирусни енгиш ва унга
чалинмасликнинг энг
осон усули



ДЎСТИНИ
АЛДАГАН
ФИРИБГАР



СУҒУРТА
ТИЗИМИДАГИ
МУАММОЛАР



O'zbekiston OVOZI

№ 35
2020-yil, 7-oktabr
Chorshanba (32.630)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta
1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!



ASOSIY MAQSADIMIZ
XALQIMIZ TURMUSH DARAJASINI
YANADA YUKSALTIRISH!

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎЗХДП фракцияси ташаббуси билан ташкил
этилган “Ҳукумат соати”да Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири
Раҳмат Маматовнинг ахбороти эшитилди

Ўзбекистон элчиси МАГАТЕ Бош директориға ишонч ёрлиқларини топширди

Мамлакатимизнинг Австрия Республикасидаги
Фавқуллоҳ ва мухтор элчиси Абат Файзуллаев
Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЕ)
бош директори Рафаэл Гроссига ўзининг МАГАТЕ
хузуридаги Доимий вакил сифатидаги ишонч ёрли-
қини топширди.

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган суҳбат чоғида
Рафаэл Гросси Ўзбекистон энергетикаси соҳа-
сидаги кенг қўламли ислохотлар, жумладан, мамла-
катда атом энергетикасини яратиш қароридан яхши
хабардор эканини билдирди.

Ўзбекистоннинг ядровий инфратузилмасини
комплекс баҳолаш бўйича бўлажак миссияга
тайёргарлик куриш борасидаги муваффақиятли
ҳамкорликни таъкидлаган ҳолда МАГАТЕ бош
директори Ўзбекистонда АЭС қурилиши жараёни-
даги фаолиятини тўлиқ қўллаб-қувватлаш борасида
қўмақлашишга тайёргарлигини билдирди.


Рафаэл Гросси Ўзбекистонда биноларнинг
ядровий ва радиацион хавфсизлиги соҳасида кўп
иш қилингани, соғлиқни сақлаш жабҳасидаги ало-
қаларда улкан ютуқлар қўлга киритилгани ҳамда

ядро фани ва технологияларини қўллаш, айниқса,
республика қишлоқ хўжалигиға кенг жорий этиш со-
ҳасида янада кенгроқ ҳамкорлик қилиш имконияти
мавжудлигиға эътибор қаратди.

Пандемия муносабати билан қолдирилган қўш-
ма тадбирлар албатта ўтказилишиға ўзаро ишонч
билдирилди.

МАГАТЕ Ўзбекистонни COVID-19 тарқалишиға
қарши курашда қўллаб-қувватлагани, хусусан,
фақат шу йилнинг ўзида учта тиббиёт муассаса-
сиға умумий қиймати 405 минг евроға тенг бўлган
коронавирусни аниқлашда ишлатиладиган тест-
тизимлари тўпламини беминнат тақдим қилгани
таъкидланди. Техник ҳамкорлик доирасида Тошкент
эндокринология институтига кўп функцияли диа-
гностика гамма-камераси топширилди. Наманган
онкология марказиға нур терапияси учун замона-
вий аппарат ва Самарқанд давлат университети
ўқув лабораториялариға асбоб-ускуналар етказиб
беришға қарор қилинди. Ушбу жиҳозларнинг нархи
қарийб 1 миллион еврони ташкил этади.

ЎЗА



Президентимиз ишончи бизға куч-қувват ва илҳом бағишлайди

Тошкент педиатрия тиббиёт институти
қошидаги академик лицей ўқувчилари
ўтган йиллар давомида жаҳон ва халқаро
Менделеев олимпиадаларида муносиб
иштирок этиб, жами 72 та, жумладан, 11
та олтин, 20 та кумуш ва 41 та бронза
медаллариға сазовор бўлди. Янада аниқроқ
айтадиган бўлсак, сўнги 3 йилда академик
лицейимиз ўқувчилари жаҳон ва халқаро
фан олимпиадаларида муносиб иштирок

этиб, 6 та олтин, 12 та кумуш ва 17 та
бронза медаллариға сазовор бўлишди.
Жамоамизнинг яна бир катта ютуғи,
жорий йилда 31-Бутунжаҳон биология фан
олимпиадасида лицейимиз ўқувчиси иштирок
этиб, олтин медални қўлга киритди. Бу
Ўзбекистон таълим тизими тарихида
биология фани бўйича олинган илк олтин
медалдир.

3

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва
мураббийлар кунига бағишланган
маросимдаги нутқи мамлакатимиз аҳолиси
томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда.
Турли касб эгалари, хусусан, депутатлар
нутқда кўтарилган таклифлар, илғари
сурилган гоялар аҳамияти ҳақида ўз
фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ БЕЛГИЛАГАН ВАЗИФАЛАР

таълим тизими тубдан
янгилашишиға асос бўлади



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎЗХДП фракцияси раҳбари:

— Мамлакатимизда бугунги кунда амалға оширилаётган
ислохотлар Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратётган бўлса,
Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган
тантанали маросимдаги нутқида Учинчи Ренессанс пойдево-
рининг аниқ моделини асослаб берди. Тарбиячи, ўқитувчи,
зиёлиларимиз ҳамда ота-оналар янги Ўйғониш даврининг
таянч устуни бўлиши кераклиги таъкидланди.

Учинчи Ренессанс гоясидан қўзланаётган энг катта мақ-
сад — тарихан мавжуд буюк салоҳиятни қайта ўйғотишдир.
Мухтарам Президентимиз халқимизни руҳан янада бирлаш-
тирадиган янги, аниқ ва буюк гояни илғари сурмоқда.

Давоми 2-бетда.

Эҳтиром ва талаб



Шербек БҮРОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Касб байрамлари ичида Ўқитувчи ва мураббийлар
кўни алоҳида эътибор ва эътироф билан нишонланади. Бу-
нинг замирида чўқур маъно мужассам, албатта. Чўқини ҳам-
мамиз улардан таълим-тарбия олган. Шу боис ҳам байрам
арафасида устозларимизни табриклашға, дил сўзларимизни
айтишға ошмакчимиз.

Бу йилги байрам арафасида устоз ва мураббийлар учун
энг катта совға янги тахирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун-
нинг Президент томонидан имзолангани бўлди. Мазкур қо-
нун ҳар томонлама кенг қамровли бўлиб, мамлакатимиздаги
таълим-тарбия жараёнилари янги поғонаға кўтарилишиға
ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

Хусусан, педагог ходимларнинг касбий шаъни, қадр-
қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимоясида экани
қонунда қатъий белгиланган. Уларнинг касбий фаолиятиға
аралашш, хизмат вазифаларини бажаришиға тўсқинлик
қилинишиға йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Бу қонун ўқитувчиларни ўйлантириб, қийнаб келаётган
қўллаб-қувватлаш масаласи, педагоглар меҳнати жамиятимиз
қўлида қатъий белгиланган. Уларнинг касбий фаолиятиға
аралашш, хизмат вазифаларини бажаришиға тўсқинлик
қилинишиға йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Ушбу қонун билан таълимда энди кўп нарсалар ўзга-
ради. Хусусан, нодавлат таълим ташкилотлари умумий
ўрта ва ўрта махсус таълим бериши мумкинлиги, ишлаб
чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш (сиртки, кеч-
ки, масофавий) учун шароит яратилгани, силада мустақил
таълим олиш мумкинлиги, инклюзив таълим олиш шакллари
белгиланди.

Булларнинг барчаси мамлакатимизда таълим тизими
тубдан янгилашишиға, таълим олиш эркинлашишиға, педа-
гоглар фаолияти фақат таълим-тарбияға қаратилиши, улар-
нинг меҳнати қадрланиши ва қонун билан ҳимоя қилинишиға
шароит яратди. Қисқаси, таълим масаласида жамияти-
мизда замонға мос янги муҳит шаклланимоқда. Ўқитувчилар
малакаси ҳам бугунги талабларға мос бўлиши керак.

Бугунги пандемия шароитида ўқитувчилар зиммасиға
янги вазифалар юклатилмоқда. Улар онлайн таълим-тар-
бия билан боғлиқ илғор тажрибаларни эгаллаши керак.
Энг муҳими эса мактабда таълим-тарбия сифатини тубдан
ошириш талаб этилмоқда. Барча даражадаги депутатлар бу
қонун ижроси назорати билан ишчил ва жиддий шуғулланмо-
ғи зарур, деб ўйлайман.



Давоми, бошланиши 1-бетда. ►

Эй қардошлар ва эй миллатдошлар! Кўзумизни ғафлат уйқусидин очиб, атрофимизга назар солмакимиз лозимдур.

БИЗНИ ЖАҲОЛАТ — ЖАҲЛИ МУРАККАБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали нутқида ҳаммамизни ҳаяжонга солган шундай сўзларни айтди: Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессанснинг йиғирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амлага ошириши мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонқуяр зотлар бутун умрларини миллий ўйғониш гоёсига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўз азиз жонларини қурбон қилдилар.

Президентимиз ўша даврда миллий ўйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида бўлган Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов каби жадид боболаримиз номларини эътироф этиб, улар эзгу мақадларини амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермаганини афсус билан таъкидлади.

Ўша замонларда маърифатпарвар жадид боболаримиз мактаб, таълим-тарбия ҳақида қанчалик қайғуришганини, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг бундан 114 йил илгари ёзган қуйидаги мақоласи ҳам мисол бўла олади.

Ҳар миллатни мактаб ва мадрасаси ўлдиги каби бизни ҳам мактаб ва мадрасаларимиз гарчи бенизом ва беусул бўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмасдир. Ҳар миллат авлодини тарбият ва таълими улумда, кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва ғафлат зулматига қолмоқига ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидин келганича таълим ва тарбияти авлодда қусурлик кўрсатмочки зотлар мавжуддирлар. Ва лекин дунёга нима учун келганини билмай, илм ва маорифга асло рағбат қилмай, жонидин ширин болаларни кўча ва бақўча кездуриб, маъсумни умрини жаҳолат

отабини ёндиргувчи беҳамият ва бединият оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўб диндошларимизни кўрармизки, ўз фарзандларини асло мактабга бермай, орқаларидин эргаштуруб, руслар эшикида ўзлари каби хизматчиликка ўргатуб, дунёи ва охиратни саодати улгон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибо қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўғлини қўлидин тутуб мактабга олиб борур. Муаллимдин талаб қилурки, «Тақсир, шу ўғлимни гўшти сизники, устixonи бизники, бир илож қилуб тезлик ила нақт ва насия ёзмоқчи ўргатуб берурсиз» дер... Эй ватандошлар! Диққати назар боқинг! Бир бо-

лани мактабга бермақдин мақсуд ва ижобат диниямиз ўлгон илми қироат, масоили эътиқодийа, фарз, вожиб, суннат, мустаҳаби ҳаром, макрух, намоз ва рўза, ҳаж ва закотларини ва ҳам зарурияти дунёвийимиз ўлгон илми ҳисоб, жуғрофия, таворих, хусусан тарихи ислом каби фойдали илмларни билдурмоқ ўлгон ҳолда жоҳил домлаларни таълими «фалоннинг қоши қаро, кўзи қаро, юзи оқ, сўзи ширин», деб болаларни фасод ахлоқига биринчи сабаб ўлдургон манзума китоблар ўлмиш.

Бу хусусда отада ҳам айб йўқ. Чунки бу бечорани эътиқодидида болани ўқутмак ёлғуз нақд ва насия ёздурмоқдин иборатдур. Муаллимда ҳам айб йўқ. Чунки бир зикр қилингон умуми заруриятларни бечора муаллимни ўзи ҳам билмас, балки баъзиларни исмини ҳам эшиткон эмас. Бечора на қилсун? Ночор, бефойда бўлса ҳам мактабларда болаларга ўқутгудек булардин бошқа бир китоб топилмагон замонларда ўзи ўқуб билгон китоблари шу китоблар ўлдиг-чун эски ўрунларда эски тушларин кўрмақдадур. Мани бу сўзимдин Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз, Бедиллар каби улуг зотларни тахдир қилди, деб гумон қилинмасун. Чунки мани гаразим бу китобларни зотини бефойда демак эмас. Балки ёш балаларга бу китобларни таълими бефойда демакдур. Масалан, бир болага Фузулий ўрнига илми қироат, Навоий ўрнига масоили эътиқодийа, Хўжа Ҳофиз жойига масоили амалиёт, Бедил бадалига илми ҳисоб ўқутулса, дин ва дунёси учун қанча фойдалар ҳосил қилиб мусулмон ўлур. Билъақс, бу китобларни ўзи ўқутулгон ҳолда бу фойдалардин маҳрум қолиб, балки

фасоди ахлоқига мубтало ўлмоғи ҳам эҳтимолдур. Чунки бу китобларни тасниф қилгон зотлар Аллоҳ таолога қарибат пайдо қилгон кишилар ўлгонлари учун этгон сўзларини зоҳири шариятга муҳолиф ўлса ҳам, ҳақиқати мувофиқдур. Чунончи, мавлоно Фузулий дерки, фард:

Санамлар саждасидур бизда тоат тангри-чун, зоҳид Ким, ки кўрсанг, сан ўз динингда тақлифи намоз айла.

Ўки Хўблар меҳробр абрўсини майл этмаз фақийа,

Ўлса, кофирдур, мусулмонлар, анга қилманг намоз.

Мавлоно Ҳофиз дерки: Май нўш, ки жовидоний ин аст, Кайфияти рўзгорий фоний ин аст, Хангоми гул лолау ёрон сармаст, Хуш бош, дамеки зиндагоний ин аст.

Бу каби сўзларни зоҳири муҳолифи китоби суннат бўлса ҳам, ҳақиқати бошқадур. Аммо ёш болалар, шубҳа йўқдирки, буни ҳақиқатни билмаслар. Балки, ўқутгон муаллимлари ҳам билмаслар. Начор заҳорий ила амал қилиб, фасоди ахлоқга мубтало ўлмоқ хавфи бордур. Баъзи жуҳало дермишки, бу тартиб ҳазрат Имом Аъзамни тартиблари. Буни бузаман деган кишини ўзи бузилур. Ажабо, бу каби жаҳолат ҳам бўлурму? Бу жаҳл — жаҳли мураққаб эмасму? Чунки бу жлхиллар ҳазрат Имом Аъзамни умрларида бу китоблардин ҳеч бир асар ўлмагонни билмаслар. Билмаганларини ҳам билмаслар. Қачон ул жанобни замонларида Фузулий ё Бедил, ё Хўжа Ҳофиз, ё Навоий бор эди? Қачон ул жаноб бу китоблардин болаларга таълим бердилар? У жаноб каби зотин хулқлариға бу каби ёлгон, ифтиро, тухмат қилгон жоҳилни иншоолло ўзи бузилур.



Бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва фивахоналарга сарф этмақдадурлар.

Мунавварқори Абдурашидхонов

Баъзи нодонлар дермишки, шу китобларни ўқумагунча болаларни саводи чиқмас. Бу ҳам эътиқоди фасод ва даъво бедалилдур. Чунки бу эътиқод дуруст бўлса эди, Туркистон вилоятидин бошқа вилоятларда ҳеч кимни саводи ўлмас эди. Ваҳоланки, бошқа вилоятларда хат билмайдургон киши юздан ўн ўлса, Туркистон вилоятда юздан тўқсондур. Мундин ҳам маълум ўлурки, савод чиқмоқ бу китобларни ўқумоққа мавқуф эмас. Балки бу китоблар гоят қийинлигидан болаларни бесавод қилмоғига сабаб ўлур. Чунки бу китоблар ўқуладургон мактабларда эллик боладан ўн бола тўрт-беш йилда базур ушбу китобларни ўзинигина хатини тануб чиқур. Бошқа китобларни яна дуруст билмас. Аммо бу китоблар ўқулмайдургон жадидий мактабларда икки йил ичида эллик болани қирқ тўққизи, балки ҳаммаси алайалсавия неча хил илмлардин имтиҳон бериб чиқар...

Хайр, келалук садди каломга. Ўғлини мактабга бермақдин мақсади нақд ва насия ёздурмоқ ўлгон жоҳил отани ўғлига қилон муаллим бечорани тарбият ва чеккан машаққатини ва маъсум бечорага мактабда берган қулфатини ёзуб битурмак мумкин эмасдур. Кўргуси ва билгуси келган киши бизни Тошканд мактабларининг бирига кириб, икки соат истикомат қилсун. Чунки, демак мумкиндирки, муаллим афанди қўлида зўр бир таёқ, қайси болани боши ҳаракатдан қолса, ушбу таёқ шу болани бошида ўлур. Аммо ўқугон-ўқумагон ила ҳеч кимни иши йўқ. Бошини қимирлатиб ўлтурса, кифоя қилур. Ҳаттоки, ўткан йилларда бу тариқа золим муаллимларни таёқини остида вафот қилмоқ ҳам воқеъ ўлди. Бу тариқа золим ва бадхулқ жоҳил муаллимларни тарбиясида ўскан болалардин нима умид қилмоқ керак. Фасоди ахлоқдин бошқа бир иш ўрганмас. Жоҳил оталарни умид

этдуқлари нақд ва насия ёзмоқ ҳам танҳо ўндин бир, йигирмадин бир болага ҳосил ўлуб, бошқалари эса "Мактабда ўқумоқ ина ила чоҳ қазмоқдин ҳам қийин (мушкул) экан", дея-дея қочар-кетар. Бунга сабаб муаллимнинг бадхулқлиги, мактабнинг бенизоомлиги ўлур. Агар бизларни мактабларимиз бошқа миллатлар мактаблари каби бир низомига қўйилуб, яхши муаллимлик вазифасини лозиминча адо қилурлик ишларидин муаллимлар тайин қилинса эди, маъсум авлодларимизни руҳоний ҳаётига, дунёи ва охиратини саодатиға биринчи сабаб ўладургон ҳам ва маорифин бу даражада маҳрум ўлмоқига сабаб ўлмас эдик. Эй қардошлар ва эй миллатдошлар! Кўзумизни ғафлат уйқусидин очиб атрофимизга назар солмакимиз лозимдур. Ҳар миллат ўз саодати, ҳол ва истиқболини муҳофазатиға биринчи восита илм ўлмоғига қаноат ҳосил қилуб, илм ва маорифга ортуқ даражада қўшиш қилгон бу замонда бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз, ниҳонсида хавфли ўлуб, ҳамма оламга масҳара ва кулгу ўлмоғимизда шубҳа йўқдур. Балки бу жаҳолат зулматига саодати охириятидин ҳам маҳрум қолмоқ хавфлидур. Бу жаҳолат натижасидурки, ўзимиз ерлик мусулмонлардин ўлдугумиз ҳолда, мусофирин ва рус ва яҳудийлар эшикида мардикор ва хизматчи ўлдур. Ва бу жаҳолат хоҳишдурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқариб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва фивахоналарга сарф этмақдадурлар.

Мунаввар қори
("Тараққий" газетаси, 1906 йил,
14 июнь, №1)

РЕКЛАМА



ЕМММ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА
МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАСТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ
МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОҒОҲЛАНТИРАДИ:**

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузелтиригичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фаргона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.

Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.

Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.

Нукус шаҳри, Ерناзар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.

Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.

Навоий шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-қорпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.

Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.

Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.

Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.

Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.

Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

ЗАВОД «KRANTAS»


производит и реализует под заказ:










- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Выходные автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.

- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir **SAFAR O'STONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Ulug'bek VAFOYEV

Guliston ANNAQILICHEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Mahmud TOIR

Muslihiddin MUHIDDINOV

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1051. 1768 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6